

ролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш лозим.

Умуман олганда, олий таълим соҳасида таълим сифатини таъминлаш энг қуйи поғонадан бошлаб, мисол учун, ўқув дастурини ишлаб чиқишдан тортиб, тизимнинг асосий маҳсулоти

ҳисобланган тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга бўлган барча жараёнларни қамраб оладиган мутлақо замонавий ҳамда янги механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. www.lex.uz
2. Ирина И.А., Фанина Е.И. Современные тенденции развития высшего образования // ISSN 1991-5497 Мир науки, культуры, образования (электронный журнал) // № 5 (96) 2022.
3. Никитенко Е.В. Тенденции развития высшего образования в России в условиях его модернизации. Высшее образование в России. 2014; № 7: 44-49.
4. Ғуломов С.С. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарқ, 2004, - 203 б.;
5. Ходиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. – Т.: ТДИУ, 2005.- 168 б.;
6. Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2019.;
7. Абдурахмонов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Т.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. – 2005. – 240 с.



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЎЗГАРИШИ ҲАМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРОВ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович -
Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар
университети
Иқтисодий ишлар бўйича проректори

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a45

Аннотация. Олий таълимга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мақолада олий таълимга бўлган талаб ва таклифнинг назарий асослари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги олий таълим талаби ва таклифига тегишли кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Олий таълимга бўлган талабнинг қондирилиш хусусиятлари асосида даврийлаштириш амалиёти ва унинг Ўзбекистонга хос жиҳатлари ўрганилган. Қилинган таҳлиллар асосида хулосалар олинган ва таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: олий таълимга бўлган талаб ва таклиф, олий таълим билан қамров даражаси, олий таълимни талабни қондириш хусусиятига кўра даврийлаштириш, олий таълим талаби ва таклифига таъсир этувчи омиллар.

ДИНАМИКА СПРОСА И ПРЕДЛОЖЕНИЕ ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИЕМ УЗБЕКИСТАНА И АНАЛИЗ ОХВАТА ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИЕМ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович -
Университет цифровой экономики и агротехнологий,
Проректор по экономическим вопросам

Аннотация. Изучение спроса и предложения высшего образования является неотъемлемой частью социально-экономического развития страны. В статье рассматриваются теоретические основы спроса и предложения на высшее образование. Также были проанализированы показатели, связанные со спросом и предложением высшего образования в Узбекистане. На основе особенностей удовлетворения спроса на высшее образование изучена практика периодизации и ее специфические аспекты в Узбекистане. На основе анализа были сделаны выводы и внесены предложения.

Ключевые слова: спрос и предложение на высшее образование, уровень охвата высшим образованием, периодизация высшего образования, факторы влияющие на спрос и предложения высшего образования.

DYNAMICS OF DEMAND AND SUPPLY IN HIGHER EDUCATION IN UZBEKISTAN AND ANALYSIS OF HIGHER EDUCATION PARTICIPATION

Valiev Shamsiddin Eshpulatovich -

*University of Digital Economics and Agrotechnologies,
Deputy rector on economic affairs*

Abstract. Studying the demand and supply of higher education is an integral part of the socio-economic development of the country. The article deals with the theoretical foundations of supply and demand for higher education. Also, indicators related to the demand and supply of higher education in Uzbekistan were analyzed. Based on the characteristics of meeting the demand for higher education, the practice of periodization and its specific aspects in Uzbekistan have been studied. Based on the analysis, conclusions were drawn and proposals were made.

Key words: supply and demand for higher education, the level of participation in higher education, periodization of higher education, factors affecting the demand and supply of higher education.

Кириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиётлар стратегиясида таълим устувор аҳамиятга эга эканлиги мунтазам таъкидланмоқда. Хусусан, таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган олий таълим тизимида ҳам янги давр бошланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Олий таълимга бўлган талабнинг ошганлиги ва давлат томонидан фаол рағбатлантирилаётганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин. Мамлакатимизда олий таълим тизими янги босқичга кўтариш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш ва рақобатдордош кадрларни тайёрлаш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш энг устувор вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизнинг демографик хусусиятлари, олий таълимга бўлган талабнинг юқорилиги ва давлатнинг ишлаб чиқаришни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш кўрсаткичларини яхшилаш борасидаги ислохотлари энг долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган. Ушбу тадқиқот ишида айнан олий таълимга бўлган талаб ва таклиф, шунингдек, олий таълим билан қамров даражасини ўрганиш, унинг хусусиятлари, назарий асослари ва Ўзбекистонга хос жиҳатлари эмпирик маълумотлар асосида ўрганилган ва мамлакатимизда олий таълим билан қамров даражасини истиқболлари борасида фикр юритилган.

Олий таълимга бўлган талаб ва таклифни, шунингдек, олий таълим билан қамров даражасини ўрганиш қуйидаги сабабларга кўра долзарб ҳисобланади:

I. Мамлакатнинг демографик хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, таълим соҳасига тегишли давлат сиёса-

тини тўғри олиб бориш борасида тадқиқотлар қилиниши жуда муҳим ҳисобланади. Айнан ушбу тадқиқотлар таълим соҳасида давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ислохотларни самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

II. Мамлакатда олий таълимга бўлган талаб асосида ишчи кучи бозори истиқболлари, мутахассисларга бўлган талабнинг қондирилиш ҳолати ва истиқболлари ўрганилади. Бу эса нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам долзарб масала ҳисобланади.

III. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг сифат жиҳатидан қандай бўлиши борасида ҳулосалар олиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини таҳлил қилиш учун фойдали маълумотлар олишга эришилади. Чунки айнан ишчи кучи бозорига тегишли омиллар иқтисодий ўсишда экзоген омил сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини истиқболлашда энг асосий омил сифатида эътироф этилади.

IV. Давлат молияси, солиқ сиёсати ва аҳоли даромадлари борасидаги давлат сиёсатида айнан олий таълим билан қамров ва олий таълимга талаб борасидаги таҳлилларга асосланилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий қарашларда инсон ресурслари, инсон капитали каби тушунчалар пайдо бўлди. Гўёки, иқтисодий қиймат яратишда меҳнат, жисмоний капитал, табиий ресурслар ва тадбиркорлик фаолияти каби омиллар кенг ўрганилиши ва уларнинг иқтисодий ривожланиш, жамият фаровонлигини оширишдаги ўрни капиталнинг янги “тури” билан бойитилди. Инсон капитали назариясининг қисқача мазмуни шундан иборатки, инсон ресурсларини (омилини) таълим жараёнига жалб қилиш орқали унинг меҳнат унумдорлиги ошишига ва бу орқали қўшимча қиймат яратилишига эришилади. Таълимнинг турли бўғинлари орқали тизимли равишда инсон ресурсларига сармоя киритиш келажакда хусусий маънода таълим олувчига шахсий даромадларининг ортиши ва умумжамят нуқтаи назаридан экзоген

омил сифатида иқтисодий ўсишни ва фаравонликни таъминловчи сифатида қайтим олиб келиши эмпирик далиллар асосида илмий исботини топди. Гарчи, классик иқтисод мактаби намоеਂдалари бўлган А.Смит, Д.Рикардо ва А.Маршалл кабилар инсон ресурслари меҳнат унумдорлигини оширишда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўрнини алоҳида таъкидлашган бўлса-да, 1960 йиллардан бошлаб инсон капитали хусусиятларини ўрганиш мақсадлари-

да таълим иқтисодиёти мактаби махсус йўналиш сифатида ривожланиб борди. Инсон капитали ва таълимда сигналлар назарияси ва таълимнинг билвосита ижобий таъсирлари мактаблари намоеਂдалари ғарб иқтисодий мактабларида жуда кўплаб тадқиқотлар олиб боришди. Хусусан, Г.Псахарапоулос, Г.Беккер, К.Эрроу ҳам М.Блауг [5] бу борада турли тадқиқотлар олиб боришган.

	Инсон капиталидан хусусий қайтим назариялари	Тадқиқот йўналишлари	
		Таълимда скрининг ва сигналлар назариялари	Таълимдан ижобий билвосита таъсирлар назариялари
1960 йил	X		
1970 йил	X	X	
1980-1990 йиллар	X	X	X

М.Троунинг тадқиқотларига кўра айнан Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўпгина мамлакатларда олий таълим билан қамров даражаси кескин суръатлар билан ошиши кузатилди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин бугунги кундаги ривожланган давлатларнинг барчасида олий таълим билан қамров даражаси 3-5 фоиз атрофида бўлган бўлса, урушдан кейинги 25 йил ичида ушбу кўрсаткич 20 фоизгача етди. 2000 йилларга бориб эса ушбу қамров даражаси Европа давлатларида 30 фоиздан ошиб кетди[1].

Бугунги кунда эса ЮНЕСКО берган маълумотларга асосан охириги 20 йилликда олий таълимда ўқиётган аҳоли сони 100 млн. кишидан 221 млн. кишигача ошганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин[11]. Бу эса дунёда олий таълим билан қамров даражаси 38 фоизгача етганлигини кўрсатмоқда. Ривожланган ва юқори даромадли мамлакатларнинг деярли барчасида олий таълим билан қамров даражаси 50 фоиздан юқори (баъзиларида 80-90 фоиздан юқори) бўлиб, ушбу давлатлар олий таълимнинг универсаллашган ва сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда.

2005 йилда эълон қилинган халқаро миқёсда олий таълим бўйича тадқиқотларда олий таълим билан қамров даражасини даврийлаштириш, унинг тадрижий ривожланиш йўлидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда олий таълимнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиб берилди [1], [6], [7]. М.Балтер, Ж.Бренан, М.Энсеринк, Г.Нейви ва Г.Перрининг ушбу йўналишдаги тадқиқотларига кўра олий таълим босқичларини ўрганиш бир неча жиҳатларга кўра муҳимдир [1], [6], [7]. М.Троу томонидан эса ушбу жиҳатлар 10 та хусусият асосида олий таълимнинг ривожланиш босқичи сифатида 3 та даврга ажратиб берилди. Тегишли ёш гуруҳини қамраб олиш кўрсаткичи, академик стандартлар, академик бошқарув, олий таълим

олиш имкониятининг яратилганлиги, ўқув дастурларига талаблар ва олий таълим муассасаларининг хусусиятларига кўра қуйидаги учта ривожланиш босқичлари даврийлаштирилди:

Олий таълимга элитар ёндашув даври (elite role of higher education) – ушбу даврда қамров даражаси 15 фоизгача бўлиб, олий таълимга алоҳида ижтимоий ёндашув асосида муносабат билдирилади. Ушбу даврда олий таълим нисбатан юқори даромадли ва жуда иқтидорли аҳоли қатламини қамраб олиш билан чегараланади. Одатда, бундай даврда олий таълим жамиятдаги юқори синфнинг даромадлари ва энг иқтидорли ёшлар қатламига мослаштирилган бўлади. Ривожланган давлатларда ушбу ёндашув ўзига хос камчиликлари ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талаблари сабаб оммавий олий таълим олиш даврига ўтиш билан ақун топган.

Олий таълимнинг оммавийлашув даври (massification of higher education) – ушбу давр олий таълимга элитар ёндашув давридан сўнг объектив сабабларга кўра жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талабларидан келиб чиққан ҳолда юзага келди. Ушбу даврда олий таълим билан қамров даражаси 50 фоизгача етади. Ушбу даврда иқтисодий ўсишнинг ва жамиятда фуқаролик институтларининг янги босқичга кўтарилиши оқибатида олий таълимга аҳолининг аксарият қисмини қамраб олиш ҳамда сон ва сифат жиҳатидан янги талаблар кўйилади. Бунда олий таълимга кўйилган стандартлар ва олий таълим муассасаларининг хусусиятлари ва уларга нисбатан давлат сиёсати ҳам ўзгаради. Бундай даврнинг асосий хусусиятлари олий таълимнинг либераллашуви, нодавлат олий таълим муассасаларининг кенг ривожланиши ва таълимда мобилликнинг ортиши ҳамда кучли рақобат муҳитининг шаклланиши билан изоҳланади.

Олий таълимнинг универсаллашув даври (universal access to higher education) – ушбу даврда қамров даражаси 50 фоиздан ошади. Олий таълим тизимидан аҳолининг тегишли ёш гуруҳини сон ва сифат жиҳатидан кенгроқ қамраб олиш орқали кучли ривожланган давлат, жамият ва ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган ҳолда мутахассислар тайёрлаш талаб этилади. Бунда инновацион ривожланган иқтисодийётга эга, кучли фуқаролик жамиятига мос мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий таълим тизими, олий таълим муассасалари ва давлатнинг ушбу соҳадаги сиёсати универсал олий таълим босқичига мослаштирилади. Бунда аҳолининг аксарият қисмини кескин ижтимоий ва технологик ўзгаришларга тайёрлаш ва глобаллашув ҳамда юқори ахборот технологиялари

жараёнларидаги ўзгаришларга мослаштириш назарда тутилади. Бугунги кунда АҚШ, Европа ва Осиёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган баъзи мамлакатлар айнан мана шу босқични бошдан кечирмоқда.

Олий таълим билан қамров даражасига кўра даврийлаштириш XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг ривожланган давлатлар олий таълим тизимининг тадрижий ривожланишини ўрганиш ва ривожланаётган давлатларда олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва ислохотларни амалга оширишда жуда муҳим ҳисобланади. Чунки бунда олий таълимдаги давлатнинг сиёсати, олий таълим муассасаларини ташкил этиш ва ишчи кучи бозорини баланслаштиришда ушбу тадрижий йўлни чуқур ўрганган ҳолда хулосалар қилиш муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Олий таълим билан қамров даражасини даврийлаштириш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида олий таълимга бўлган талаб ва тақлифнинг ҳамда олий таълим билан қамров даражасига тегишли назарий жиҳатлар тушунтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон шароитида олий таълимга бўлган талаб ва қамров даражасининг ривожланиш йўналишлари, уларнинг динамикаси, таҳлили ва истиқболлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда назарий ва эмпирик таҳлил, даврий ва миқдорий қиёслаш ва вақт қаторлари ёрдамида таҳлил ва индуктив ва дедуктив усуллар асосида умумий хулосалар олинган. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий маълумотлари ва бюллетенларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари ва Жаҳон банкнинг Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимига тегишли ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилган. Вақт қаторлари орқали қиёслаш учун асосан 2011-2021 йилларга тегишли маълумотлар таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Олий таълимга бўлган талаб ва тақлиф, қамров даражасининг назарий таҳлили. Олий таълимга бўл-

ган талаб мамлакатнинг демографик хусусиятлари, аҳоли даромадлари, давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Мамлакатнинг танлаган тараққиёт йўли ва модели, шунингдек, сиёсий тизим каби жиҳатлар олий таълимга бўлган талабни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар сифатида намоён бўлади. Олий таълимга бўлган талабга таъсир этувчи асосий омилларни қисқача таърифлашдан олдин олий таълимга талаб тушунчасига қисқача тавсиф бериш мақсадга мувофиқ. Олий таълимга талаб дейилганда, маълум бир даврда (одатда, олий таълимга қабул жараёнида) олий таълим муассасаларига қабул учун ариза топширган аҳоли қисмини тушунишимиз мумкин. Ушбу талаб академик талабларни бажариш, тўлов билан ёхуд давлат ва ҳомийлар маблағлари билан таъминланганлигидан қатъи назар олий таълим муассасаларига топширилган аризалар маълум бир давр учун олий таълимга бўлган бирламчи талабни ўзида ифодалайди. Иқтисодий назария талқинига кўра талаб ўзида тўлов билан қондирилган эҳтиёжни ифодаласа, таъ-

лимда тўловнинг ҳомийлик ёхуд грантлар асосида бўлиши, шунингдек, талабаларга кўмак дастурлари асосида молиялаштириш механизмларининг мавжудлиги топширилган аризалар миқдорига кўра бирламчи талабни тушунишни талаб этади.

Олий таълимга бўлган талабга қуйидаги омиллар бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин:

Олий таълим учун белгиланган ўртача тўлов-шартнома қийматлари (нарх омилнинг талабга таъсири). Ушбу ҳолатда нарх тушунчасини қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Чунки олий таълимда нарх белгилаш сиёсати, одатда, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби юзага чиқмайди. Бунда таннарх ва нормал фойда каби омиллар олий таълимдан тўлов қийматида ўз ифодасини топмаслиги мумкин. Айниқса, давлат олий таълим муассасаларида бундай тўлов қийматлари битта талабага ўртача сарфлар ва таълимнинг ижтимоий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ҳисобга олинса, ушбу қийматларни харажатларни нисбатан тўлиқ ёки қисман қоплаш қиймати сифатида кўриш мумкин. Ушбу омилда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳат шундан иборатки, таълим учун тўлов қийматлари давлат ва нодавлат, шунингдек, тижорат ва нотижорат олий таълим муассасалари учун турлича ёндашув асосида шаклланиши мумкин. Бунда талаб ва таклифни таълимнинг ижтимоий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уни олиш имкониятларини (accessibility) ҳисобга олган ҳолда ўрнатиш талаб этилади.

Олий таълим олишнинг аҳоли даромадларига таъсири натижасида талабнинг шаклланиши. Ушбу омилда аҳолининг олий таълимдан сўнг даромадларининг ошиши борасидаги кутишлари ва келажакдаги даромадлар даражасидаги ижобий фарқлар талабга таъсир этувчи сифатида намоён бўлади. Бунда жамиятдаги олий маълумотли ва олий маълумотли бўлмаган фуқаролар даромадлари орасидаги тафовут олий таълим талабига таъсир этади. Яъни ушбу кўрсаткич ўзига хос триггер вазифасини ўтайди. Ушбу ижобий фарқлар қанчалик катта бўлса, шунчалик талаб миқдорининг ортишига, аксинча бўлса, камайишига олиб келиши мумкин.

Олий маълумотли бўлиш борасидаги шаклланган ижтимоий қарашлар ва аҳоли онгидаги стереотиплар. Бунда олий маълумотли бўлиш орқали ўз ижтимоий мақомини белгилаб олиш, зиёли қатламга тегишли бўлиш ҳисси ва фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчиси бўлиш хоҳиши каби тушунчалар олий таълимга билвосита талаб шаклланишини ошириши ёки камайириши мумкин.

Давлатнинг олий таълим соҳасидаги олиб бораётган сиёсати. Бунда давлатнинг рағбат-

лантирувчи ёки чекловчи сиёсати олий таълимга талабни ошириши ёхуд камайириши мумкин. Давлат қонунчилик асосларини ишга солиш, солиқ имтиёзлари, грантлар ажратиш ва қўшимча квоталар орқали олий таълимга талабнинг ошиши ёхуд ушбу дастакларни қўлламаслик орқали талабни чеклаши мумкин. Шунингдек, давлат қонунчилик асослари ва ташкилий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, олий таълимда қўшимча таклиф пайдо қилиш орқали талабни “чақариши” ҳам мумкин. Бу олий таълимга талабни рағбатлантириши мумкин. Аксинча, сиёсат туфайли таклиф чекланиши орқали талаб миқдори ҳам камайиши мумкин.

Олий таълим муассасаларининг тарғибот-ташвиқот борасидаги чора-тадбирлари. Бундай омиллар орқали олий таълим муассасалари реклама ва ташвиқот инструментларини ишга солади. Аҳоли орасида олиб борилган кучли тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида олий таълимга талаб ўзгариши мумкин.

Шунингдек, олий таълимга бўлган талабни ўрганиш жараёнида олий таълим соҳасидаги диплом ёки сертификатларга ва олий таълим соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиш талабини фарқлаш зарур. С.Л.Паевскаянинг фикрича, бунда, одатда, биринчи тоифага бўлган талаб иккинчи тоифага нисбатан юқори бўлади. Ушбу жиҳат билим олиш ва диплом олиш талабида бўлганлар орасида тафовут бўлиши билан изоҳланади [3]. Шунингдек, олий таълимда гуманитар ва ижтимоий йўналишларга бўлган талаб ҳамда техник ва муҳандислик йўналишларига бўлган талаб даражаси ҳам фарқланади. Одатда, техник ва муҳандислик йўналишларига талаб даражаси нисбатан пастроқ бўлиши кузатилади.

В.Колесовнинг фикрига кўра, олий таълимга талаб даражасини халқаро даражада ўрганиш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки бугунги глобализация жараёни олий таълим соҳасига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатиб улгурди. Хусусан, бир қанча олий таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятлари асосида минтақавий талабни қондириш, олий таълим муассасаларининг таклифини олий таълимга бўлган талабга мувофиқлаштириш долзарб масала сифатида қаралмоқда [4].

Бундан ташқари олий таълим бозорини меҳнат бозори билан боғлиқ равишда ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз тадқиқотчиларидан бўлган Х.Х.Режаповнинг фикрига кўра, айнан меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ҳолати орқали олий таълимга талаб ва таклиф тушунтирилиши мумкин. Бунда ўзаро бир-бирини тартибга солиш механизмлари ишлаши юз бериши мумкин [2].


Олий таълимга бўлган таклиф тушунчаси маълум бир даврда мамлакатда олий таълим олиш имкониятининг яратилганлиги билан тушунтирилади. Бунда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган ўринлар (квоталар) ҳажми тушунилиши керак. Одатда, олий таълимга бўлган таклиф борасида қуйидаги учта йўналишни назарда тутишимиз мумкин бўлади:

Давлат олий таълим муассасалари томонидан шакллантирилган таклиф миқдори. Одатда, ушбу миқдорлар қабул квоталари асосида шакллантирилади. Улар ҳукумат қарорлари ёхуд олий таълим муассасасининг ўзи томонидан шакллантирилиши мумкин. Ушбу таклиф миқдорида учта йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) давлат буюртмаси асосидаги квоталар ҳажмидан келиб чиқувчи таклиф; б) тўлов шартнома асосида белгиланган квоталар ҳажмидан келиб чиқувчи таклиф; в) табақалаштирилган тўлов шартномалари асосида шаклландувчи таклиф ҳажми.

Нодавлат олий таълим муассасалари томонидан таклиф этиладиган таклиф миқдори.

Ушбу таклиф нодавлат олий таълим муассасаларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шаклланиши мумкин. Бунда нодавлат олий таълим муассасасининг тижорат ёки нотижорат шаклдаги мақомидан келиб чиққан ҳолда таклиф ҳажми шаклланиши мумкин. Бунда олий таълим муассасасининг ресурс базаси ва имкониятлари доирасида таклиф миқдори шаклланиши мумкин.

Назарий жиҳатдан таълим хизматлари бозорининг эркинлашуви ва унда соғлом рақобат муҳити яратилиши орқали юзага келувчи таклиф миқдорини ҳам шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Чунки айнан нарх ва миқдор мутаносиблиги асосида талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтаси ҳақида мулоҳаза юритишда ушбу тушунчанинг изоҳланиши, бизнингча, жуда фойдалидир. Бунда мувозанат нархи, мувозанатли талаб ва таклиф миқдори орқали давлат ва нодавлат олий таълим соҳаси талаб ва таклифни мувофиқлаштириш борасида фикр билдириш имконияти пайдо бўлади.



2-расм. Олий таълимда талаб ва таклиф ўзгариши

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги чизмада умумлаштирилган ҳолда олий таълимда талаб ва таклиф ҳолати таҳлил қилинди. Унга кўра, давлат (S_1), эркин таълим хизматлари бозори (S_2) ва нодавлат (S_3) олий таълим соҳаси таклифи акс эттирилди. Талаб таҳлилида эса умумий тармоқ ҳолати икки хил кўринишни ифодалайди: давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларидан иборат анаънавий ҳолатдаги талаб (D_1) ва эркин таълим хизматлари бозорини ифодаловчи талаб (D_2). Давлат олий таълим муассасаларида квоталар олдиндан аниқ белгиланган миқдорлар асосида шаклланиши туфайли таклиф чизиғи горизонтал кўринишни олиши тўғри бўлади.

Бунда таклиф миқдори Q_1 тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда D_1 талаб асосида E нуқтада P_1 нархни шакллантиради ва бу нодавлат олий таълим муассасаларидан паст кўринишни олади. Шунингдек, қондирилмаган талаб бўлганлиги боис эркин бозор нархи P_2 дан ҳам паст бўлади. Нодавлат олий таълим муассасаларига талаб нисбатан эластик хусусиятга эга бўлганлиги туфайли тикроқ кўринишда бўлиб, эркин бозор нархларига мос талаб учун шаклландувчи P_3 нархдан ташкил топиши мумкин. Айнан мана шу ҳолатда қондирилмаган талаб миқдорининг паст ёки юқори бўлиши давлат томонидан қўшимча ўринлар ва таклиф миқдорини киритиш

асосида нарх омили кўтарилишига олиб бориши мумкин. Бизнингча, олий таълимга бўлган қондирилмаган талаб миқдорининг паст ёки юқориликка қараб талаб ва таклиф ҳолатидан келиб чиққан ҳолда турли ҳолатлар юзага келиши мумкин. Давлат ва нодавлат олий таълим муассалари томонидан ташкил этилган жами таклиф миқдори ($Q_1 + Q_3$) жамиятда юзага келган жами талаб миқдори Q_2 дан пастлиги даражасига кўра қуйидаги ҳолатлар юзага келиши мумкин:

I. Агар ушбу фарқ жуда катта бўлса, юқори қондирилмаган талаб олий таълимга коррупцион рисклар ва тизимни тартибга солишда турли хил маъмурий чоралар киритилишига олиб келиши мумкин. Бунда олий таълим ўзига етарлича молиявий ресурсларини жалб қила олмаслиги, жамиятда етарлича мутахассислар етиштиришнинг шубҳа остида қолиши ва энг муҳими экспоненциал равишда сурункали равишда олий таълимда қондирилмаган талаб юзага келиши мумкин. Айнан қамров даражасига кўра элитар ёндашув даврига ушбу жиҳатлар хослигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

II. Олий таълимнинг оммавийлашув даврида жами талаб (Q_2) ва таклиф ($Q_1 + Q_3$) нисбатан мувофиқлаштирилишига эришилади. Нарх омилини ислоҳ қилиш турли усулларда давлат ва нодавлат, тижорат ва нотижорат олий таълим муассасалари орқали молиявий ресурсларни жалб қилишга олиб келади. Дифференциаллашган ва табақалаштирилган тарифлар, нодалат олий таълим муассасаларига кенг йўл очиш ва олий таълим тизимини либераллаштириш орқали талабни максимал қондиришга эришилади. Ушбу ҳолат олий таълим оммавийлашув даврига хос бўлиб, ушбу даврдаги энг катта муаммо олий таълимда сифат ва олий таълимни олиш имкониятининг (accessibility) хавф остида қолиши ҳисобланади.

III. Олий таълимнинг нисбатан универсаллашув жараёнига хос талаб ва таклиф ҳолати

бўлиб, бунда талабаларга кўмак дастурлари, давлатнинг олий таълимни молиялаштириш дастаклари ҳамда нодавлат олий таълим муассасаларининг кучли рақобатлашув муҳити ушбу жараённинг асосий белгилари ҳисобланади.

Олий таълим билан қамров даражасини аниқлаш амалиёти. Бутун дунё амалиётида олий таълимга бўлган талабни махсус ёш гуруҳига мос равишда белгилаб олиш ва ушбу кўрсаткични олий таълим билан қамров даражаси сифатида ифодалаш киритилган. Унга кўра, умумий ўрта таълимдан кейинги ёш чегараси бўлган ёшдан кейинги 5 йилдаги ёш гуруҳи жами сонига нисбатан олий таълим ва ўрта махсус таълимда таҳсил олаётганлар сони нисбати орқали қамров даражасини аниқлаш амалга киритилган. Ушбу методология ЮНЕСКО ва Жаҳон банки томонидан амалга киритилган бўлиб, баъзи давлатлардаги таълимнинг халқаро таълим классификаторининг 4-босқичдан кейинги 5 йиллик ёш гуруҳига мос равишда аниқлаш амалиёти фарқланиши мумкин.

Ўзбекистонда олий таълимга бўлган талаб ва таклиф таҳлили. Мамлакатимизда олий таълимга бўлган талаб аҳолининг демографик таркиби, олий таълим олишга бўлган юқори эҳтиёж ва олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллانган.

2011-2021 йиллар давомида бакалаврият йўналишига топширилган аризалар сони 3 баробарга зиёд ошган бўлса, қабул қилинган талабалар сони деярли 4 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо топширилган аризаларга кўра талабни қондириш кўрсаткичи 2021 йилгача ўртача 10 фоиз атрофида бўлганлигини ҳисобга олсак, талабни қондириш учун таклиф миқдори жуда паст бўлганлигини хулоса қилиш мумкин (1-жадвал). Аммо 2021 йилдан талабни қондиришнинг бирмунча яхшиланганлигини кузатиш мумкин.

1-жадвал

2011-2021 йиллар учун олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига қабул натижалари[9]

Кўрсаткичлар	(ўқув йили бошига)										
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ариза топширилганлар сони	423796	436442	486406	549467	616253	672640	786121	813593	1157634	1820342	1204924
Қабул қилинган талабалар сони	58204	56969	57087	59324	58301	57705	80822	108745	128730	165021	220124
100 ўринга қабул қилинган талабалар сони	580,8	766	852	926,2	1057	1165,7	972,7	748,2	899,3	1103	547
Талабни қондириш кўрсаткичи (%)	13,7	13,1	11,7	10,8	9,5	8,6	10,3	13,4	11,1	9,1	18,3

1-чизмага кўра, 2018 йилдан бошлаб топширилган аризалар сони кескин ошганлигини кўришимиз мумкин. Айнан ушбу жараёни,

бизнингча, қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мамлакатда олий таълим билан қамров кўрсаткичларида янги давр бошланди. Унга кўра, қўшимча квоталар ва олий таълим таклифи ошганлиги кузатилди. Давлат томонидан рағбатлантирувчи сиёсат юритила бошланди. Нодавлат олий таълим ташкилотлари сони ҳам кескин ошиши кузатилди.

Иккинчидан, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълимнинг кундузги шаклидан бошқа шакллари бўлган сиртқи ва кечки (кейинчалик масофавий) шакллари ҳам тўлақонли жорий этилди. Бу эса ўз навбатида, олий таълим олиш истагида бўлган юқори ёшдаги аҳоли қатлами томонидан аризалар топшириш сони ошишига олиб келди.




1-чизма. 2011-2021 йилларда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига бакалавриат йўналиши бўйича топширилган аризалар ва қабул қилинган талабалар сони ўзгариши [9]

Учинчидан, олий таълим муассасалари, мутахассис йўналишлари ва академик дастурлар сони ҳам ошганлиги кузатилди. Бу эса турли аҳоли қатламлари учун олий таълимга талабни оширувчи билвосита омил бўлиб хизмат қилди.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари минтақаларда (вилоятларда) ҳам ўз филиалла-

рини очиш орқали минтақа ёшлари ўқиши учун имкониятларнинг яхшиланишига эришилди.

Бешинчидан, олий таълим муассасаларига ариза топширишнинг жуда содда ва қулай тартибларининг жорий этилгани. Илгари ариза топшириш учун талаб этилган ташкилий ва бошқа шаклдаги ноқулайликлар деярли бутунлай бартараф этилган.



2-чизма. 2011-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалавриат йўналиши бўйича конкурс натижалари ўзгариши [9]

Олий таълимда бакалавриат йўналишига топширилган аризалар ва қабул қилинган талабалар сони нисбатига тафовутлардан хулоса қилиш мумкинки, айнан олий таълимдаги талабнинг паст қамровга эга бўлган даври оқибатлари ҳали ҳам қабул жараёнларига кучли босим ўтказаетганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, олий таълимга бўлган талабнинг ва таклиф ўсишининг номувофиқ эканлигини ҳамда 100 ўринга конкурс кўрсаткичларига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда (2-чизма). Аммо 2021 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткичда ҳам пасайиш динамикаси кузатилмоқда. Умумий тренд йилдан-йилга ушбу кўрсаткичнинг ҳам пасайишини кўрсатмоқда.

Магистратура йўналишида ҳам топширилган аризаларнинг 2011-2021 йиллар давомида қарийб 4 баробарга ошганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин (2-жадвал). Аммо топширил-

ган аризаларни қондириш кўрсаткичи сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2017-2019 йиллар давомида ушбу кўрсаткич ўртача 40 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2021 йилга келиб, 21 фоизгача тушганлигини кўришимиз мумкин. Айнан магистратура йўналишларига топширилган аризалар сони ҳам сўнгги уч йилда кескин ошганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Айнан ушбу йўналишда талабнинг ортиши ҳам соҳада рағбатлантирувчи сиёсатнинг юритилаётганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, келажакда олий таълимда кадрлар резерви ва академик мутахассислар танқислигининг олдини олиш учун бакалавриат йўналишларига ҳамоҳанг равишда магистратура йўналишларида ҳам қабул параметрларини мувофиқлаштириб бориш жуда муҳим масала ҳисобланади.


2-жадвал

Олий таълим ташкилотлари магистратурасига қабул натижалари [9]

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Топширилган аризалар	18607	19421	13746	12685	12987	12072	4812	13312	26027	70907	73374
Қабул қилинган конкурс, киши/100 ўринга	262	319	263	268	267	346	259	233	278	716	465
Талабни қондириш кўрсаткичи	30,2	31,4	38,1	37,4	37,5	28,9	38,7	43,0	36,0	14,0	21,5

Айнан сўнгги уч йилдаги топширилган аризалар сонининг кескин ошиши фонида магистратура йўналишларида ҳам конкурс кўрсаткичларининг ошганлигини кузатишимиз мумкин (4-чизма). Аммо сўнгги йилларда магистратурага кириш талаблари ҳам ўзгартирилмоқда. Хусусан, магистратура йўналишларига ариза топшириш учун миллий ёки халқаро чет

тили сертификатлари бўлиши талаб этилмоқда. Бу эса албатта, топшириладиган аризалар сонининг кескин тушишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ушбу жараёнда чет тилини билиш сертификатларининг бўлиши ва магистратурадан мутахассислик имтиҳонларининг бекор қилиниши амалга киритилмоқда. Бу эса ушбу йўналишда конкурс бўлмаслигини англатади.



3-чизма. 2011-2021 йилларда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига магистратура йўналиши бўйича топширилган аризалар ва қабул қилинган талабалар сони ўзгариши [9]




4-чизма. 2011-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига магистратура йўналиши бўйича конкурс натижалари ўзгариши [9]

Қолаверса, магистратура йўналишларида бир йилда икки марта қабулни ташкил этиш амалиёти ҳам киритилмоқда. Айнан шу орқали тўлдирилмаган квоталарни қамраб олиш кўзда тутилмоқда. Ушбу киритилган ўзгартиришлар кейинги йилларда магистратура йўналишидаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо ушбу амалиётнинг самарали натижа бериши айнан мамлакатда чет тилларини билиш кўрсаткичларининг тубдан яхшиланишига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса магистратура йўналишларида ҳам сурункали қамровнинг пасайиши ва келажақда олий таълим учун академик кадрлар базасининг хавф остида қолишига олиб келиши мумкин. Чунки айнан олий таъ-

лимнинг оммавийлашув даврида сифатни яхшилаш муаммоси энг катта масала эканлиги ва уни самарали ҳал этишда магистратура йўналиши таянч вазифасини ўташини ҳисобга олиш жуда муҳим.

“2011-2020 йилларда Ўзбекистонда олий таълимда топширилган аризалар сони ўсиши динамикасида юқорида санаб ўтилган омиллардан ташқари демографик омиллар ҳисобига ҳам ўсиш кузатилган бўлиши мумкинми” деган саволга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин: 2011-2020 йилларда 15-19 ва 20-24 ёшдаги аҳоли сони динамикасини кузатадиган бўлсак, уларнинг пасайиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин.



5-чизма. 2011-2020 йилларда Ўзбекистонда 15-19 ва 20-24 ёшдагилар гуруҳи ва топширилган аризалар ўзгариши динамикаси [9]


Айниқса, ушбу пасайиш 15-19 ёшли аҳоли гуруҳида сезиларли бўлган. Мос равишда 15-19 ёш гуруҳида 2011 йилга нисбатан 22 фоизга пасайиш кузатилган бўлса, 20-24 ёш гуруҳида пасайиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этган.

Ушбу пасайиш кўрсаткичлари фонида 2011-2020 йиллар мобайнида олий таълимга топширилган аризалар сони 4,3 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, айнан демографик омилларнинг

олий таълимга топширилган аризалар сонининг ўсишига таъсири бўлмаган. Яъни олий таълимга топширилган аризалар сонининг ўсиши юқорида санаб ўтилган нодемографик омиллар ҳисобига ошган, деган хулосага келиш имконини бермоқда. Бизнингча, сўнгги йилларда олий таълимга топширилган аризалар сонининг юқори кўрсаткичлари йиллар давомида қондирилмаган талаб кўрсаткичларининг юқорилиги билан изоҳланиши мумкин. Ушбу йиллар давомида қондирилмаган талаб яна бир неча йиллар аризалар сонига таъсир кўрсатишини кутиш мумкин.

2009-2022 йиллар давомида мамлакатимизда жами талабалар сони ва олий таълим

муассасалари сони икки баробардан зиёд ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда 2017 йилдан кейинги даврни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Айнан ушбу даврдан бошлаб Ўзбекистонда олий таълим соҳасида янги давр бошланганлигини эътироф этиш мумкин (6-чизма). Ўзбекистонда жами талабалар сонининг таркибида таълимнинг кундузги кўринишидан бошқа шакллари улуши ҳам ошаётганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари олий таълим муассасалари таркибида нодавлат олий таълим муассасаларининг улуши ҳам ошаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.



6-чизма. 2009-2021 йиллар давомида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ва жами талабалар сони ўзгариши [9]

Аммо жами талабалар сонининг сўнгги йилларда қарийб 2,5 баробар ошганлигига қарамасдан, олий таълим соҳасидаги талабни қондириш кўрсаткичи пастлигича қолмоқда (7-чизма). 2016 йилдан кейин ушбу кўрсаткич бирмунча яхшиланганлиги кузатилган бўлса-да, 2018 йилдан кейин талабни қондириш кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. 2011-2020 йиллар давомида топширилган аризалар сони 4 баробардан ортиқ ошган бўлса, ушбу аризаларни қондириш кўрсаткичи бакалавриат йўналишида 14 фоиздан 9 фоизгача тушган бўлса, магистратура йўналишида 30 фоиздан 14 фоизгача тушганлигини кўриш мумкин. Аммо 2021 йилда мос равишда ушбу кўрсаткичлар 18 ва 22 фоиз атрофида бўлиб, нисбатан яхшиланганлигини қайд этиш мумкин. Сўнгги йилларда қабул квоталари ҳажми уч баробаргача оширилганлиги ва нодавлат олий таълим муассасаларининг сони ошганлиги кузатилган бўлса-да, талабни қондириш кўрсаткичини сезиларли даражада ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Жами талабни қондиришда давлат олий таълим муассасалари ва нодавлат олий таълим муассасаларининг сони, ажратилган квоталар ва давлат буюртмалари ҳажми каби омилларнинг ўзгариб бориши муҳим ҳисобланади. Шунинг-

дек, олий таълимга бўлган талабни қондиришда хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларининг ҳам ўрни борлигини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Бунда хорижий (нисбатан кўпроқ қўшни мамлакатлар олий таълим муассасаларига) олий таълим муассасаларига қабул орқали кейинчалик ўқишни кўчириш амалиёти оммавийлашганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жараёни тартибга солиш учун турли чор-тадбирлар қўлланилмоқда. Аммо ушбу жараён доимий характерга эга эканлиги ҳисобга олинса, ушбу кўрсаткичларни ҳам қамров ва олий таълимга талаб кўрсаткичларининг бир қисми сифатида қарашимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, 2021 йилда Ўзбекистонга ўқишини кўчириш мақсадида ҳужжат топширилганлар сони 98 минг нафардан ошганлиги кузатилган. Бу эса олий таълимга бўлган талаб ва таклиф кўрсаткичларида ушбу жараёни ҳам ҳисобга олган ҳолда таҳлиллар олиб борилишини тақозо этади.


1991-2021 йиллар учун олий таълим билан қамров кўрсаткичлари динамикасига қарайдиган бўлсак, мос равишда 1991-2018 ва 2018 йилдан кейинги даврни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Ўзбекистонда 15 фоизгача (асосан, 10 фоиздан паст) қамров кўрсаткичлари даври 1991-2018 йилларга тўғри келади.



7-чизма. 2011-2021 йиллар учун Ўзбекистонда олий таълим ташкилотларининг бакалаврият ва магистратура йўналишларида топширилган аризаларга нисбатан талабни қондириш кўрсаткичлари динамикаси (фоизда) [9]

Айнан 2018 йилдан бошлаб қамровнинг ошиши кузатилган ва 2021 йилга келиб, 28 фоизгача етганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса Ўзбекистонда олий таълим оммавийлашув даври бошланганлигини кўрсатади (8-чизма).

Ўзбекистонда 2030 йилгача олий таълимни ривожлантириш концепциясига кўра қамров даражасини 50 фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилган.




8-чизма. Ўзбекистонда 1991-2021 йилларда олий таълим билан қамров даражаси ўзгариши [8], [12]

Кейинги йилларда олий таълимга талаб ва уларга демографик омилларнинг таъсири борасида айрим таҳлилларни қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда 2009-2021 йилларда 0-4, 5-9, 10-14, 15-19 ва 20-24 ёшдаги аҳоли сони ўзгариш динамикасини кузатиш мумкин (9-чизма). Унга кўра, мамлакатимизда 2030 йилгача олий таълимга талаб кўрсаткичлари ошишида демографик омиллар таъсири бўлмайди, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо 2030 йилдан сўнг демографик омиллар ҳисобига ҳам талабнинг ортиш эҳтимоли мавжуд. Чунки 2009-2021 йилларда 0-4 ва 5-9 ёшлилар гуруҳида ўсиш тенденцияси 30

фоиздан юқори кўрсаткичга эга. 10-14 ва 15-19 ёшлилар гуруҳи динамикасини кузатадиган бўлсак уларда ўсиш суръатлари деярли йўқлиги кўзга ташланади. Шу туфайли демографик омиллар туфайли талабнинг 2030 йилгача кўпайиши эҳтимоли мавжуд эмас.

Шунингдек, талабаларнинг ёш таркиби борасида ҳам айрим таҳлиллар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ёш таркиби таҳлили ҳамда олий таълимда сиртқи талабалар сонининг ўсиши орқали йиллар давомида қондирилмаган талабнинг ҳам қондирилиш тенденциясини таҳлил қилиш имконига эга бўлишимиз мумкин.

FAN VA TA'LIM



9-чизма. Ўзбекистонда 2009-2021 йилларда тегишли ёш гуруҳлари ўзгариш динамикаси [9]

2009-2010 ўқув йилида жами талабаларнинг 10 фоизи 25 ёшдан катталарни ташкил этган ва ушбу ўқув йилида сиртқи талабалар сони 14,3 минг атрофида бўлган бўлса, 2020-

2021 ўқув йилида 25 ёшдан катта талабалар улуши 27 фоизга етган ва сиртқи талабалар сони 118 мингдан ошган (10-чизма).



10-чизма. 2009-2010 ва 2020-2021 ўқув йиллари давомида Ўзбекистонда жами талабаларнинг ёш гуруҳлари таркиби ва сиртқи талабалар сони ўзгариши [9]

Бундан хулоса қилиш мумкинки, 2018 йилгача сурункали қондирилмаган талаб сиртқи талабалар сонининг ошиши динамикасида ўзифодасини топмоқда. Ушбу тенденция 2030 йилгача олий таълимга талабнинг динамикасига ўз таъсирини ўтказиш эҳтимоли юқори.

Хулоса ва таклифлар. Қилинган таҳлиллар ва статистик кузатувлар натижасида қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин:

Олий таълим соҳасидаги талаб ва таклиф ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унга мамлакатдаги демографик омиллар, ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, тараққиёт

моделли ва бир қанча ташқи омиллар таъсир қилиши мумкин. Айнан олий таълимга бўлган талабнинг қондирилиш кўрсаткичлари асосида олий таълим олишга ёндашувлар даврийлаштирилган. Ўзбекистонда 2018 йилдан сўнг олий таълим оммавийлашган янги давр бошланганлигини эътироф этиш мумкин.

Мамлакатимизда олий таълим таклифи (квоталари) кескин ошиб бориши кузатилаётган бўлса-да, йиллар давомида қондирилмаган талабнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Буни топширилган аризалар сони динамикаси асосида кўриш мумкин.

Мамлакатда талабалар сони ва олий ўқув юртлари сони ҳамоҳанг равишда ошиб бормоқда. Шунингдек, жами талабалар сони таркибида таълимнинг кундузги шаклидан бошқа шаклдаги талабалар сони ҳам ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда олий таълим талабига демографик омиллар таъсиридан хулоса қилиш мумкинки, 2030 йилгача демографик омилларнинг олий таълим талаби ошишига таъсири мавжуд эмас. Бундай демографик таъсир 2030 йилдан сўнг кузатилиши эҳтимоли мавжуд.

Шунингдек, мамлакатимизда олий таълимга бўлган талабни максимал қондириш ва қамров даражасини турли салбий оқибатларсиз таъминлаш борасида қуйидаги таклифларни келтиришимиз мумкин:

Биринчидан, ўтган йилларда етарли даражада қондирилмаган талабнинг кейинги йиллар қабулига бўлган салбий таъсирларини нейтраллаш чора-тадбирлари кўрилиши жуда муҳим. Ушбу йўналишда таълимнинг турли шакллари фаол ташкил этиш (сиртқи, кечки, масофавий ва ҳ.к.) орқали йилдан-йилга ўтувчи қондирилмаган талаб кўрсаткичига таъсир этиш механизмлари ишлаши керак. Шунингдек, хорижда ўқиш, дипломларни нострификация қилиш тартиблари ва ўқишни кўчириш амалиётига ҳам самарали ечим топилиши керак.

Иккинчидан, қамров кўрсаткичларини оширишда мамлакатнинг олий таълим бериш имкониятларини, яъни олий таълим бериш салоҳиятини (capacity) тубдан яхшилаш чора-тадбирларини ҳам комплекс ҳал этиш лозим. Буларга қуйидагилар киради: а) олий таълим муассасалари сонини ва сифimini ошириш чораларини кўриш; б) нодавлат олий таълим

муассасаларига ҳам кенг имкониятлар яратиш чоралари кўрилиши лозим. Уларга қўйилган талаблар ва қонунчилик нормалари самарали ташкил этилиши лозим; в) олий таълим муассасаларининг илмий ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида ҳам комплекс ишлар амалга ошириш талаб этилади; г) давлат-хусусий шериклик инструментларини кенг жорий этиш йўллари топиш ва жалб этиш; д) турли хил шаклдаги ва манбалар ҳисобига соҳага жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини кескин ошириш.

Учинчидан, олий таълимнинг олиш имкониятлари (accessibility) борасида ҳам комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунда ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда талабаларга кўмак дастурлари, олий таълим муассасаларининг нарх сиёсати ва давлат грантлари ва буюртмалари институтларининг самарали ташкил этилиши борасида кўпгина ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Тўртинчидан, олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини ташкил этиш орқали сифат ва миқдор уйғунлигини таъминлашга эришиш лозим. Бунинг учун қонунчилик асослари, имтиёзлар бериш ва қўллаб-қувватлаш инструментларини самарали йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, назорат ва мониторинг шакллари ҳам тўғри ташкил этиш талаб этилади.

Бешинчидан, олий таълим муассасаларининг минтақалардаги фаоллигини ошириш ҳисобига ҳудудлардаги олий таълимга бўлган талабни максимал қондиришга эришиш. Бунда ҳудудларда мавжуд олий таълим муассасаларининг филиалларини очиш ёки янгидан ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Trow, Martin A. "Reflections on the Transition from Elite to Mass to Universal Access: Forms and Phases of Higher Education in Modern Societies since WWII", Forthcoming in Philip Altbach, ed., *International Handbook of Higher Education*, Kluwer. 2005.
2. Режапов Х.Х. ЎЗМУ, қатта илмий ходим-изланувчи. Меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорини тартибга солиш механизми. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2016 йил.
3. Паевская С.Л. «Спрос и предложение на рынке образовательных услуг: современные тенденции», Национальный минерально-сырьевой университет «Горный», г. Санкт-Петербург, Журнал «Экономические аспекты образовательной деятельности-Проблемы и перспективы развития образования в России».
4. КОЛЕСОВ В. Профессор, декан экономического факультета МГУ им. М.В. Ломоносова, "Рынок образовательных услуг и ценности образования (между ВТО и Болонским процессом)", Журнал "Высшее образование в России", № 2, 2006.
5. Psacharopoulos G. "Economics of education: A Research Agenda", *Economics of Education Review*, Vol. 15, No. 4, pp. 339-344, 1996.
6. Trow M. (1974). *Problems in the Transition from Elite to Mass Higher Education*, in *Policies for Higher Education, from the General Report on the Conference on Future Structures of Post-Secondary Education*, 55-101. Paris: OECD.
7. Trow M. (1976). *Elite Higher Education: An Endangered Species?* *Minerva* (London) 14, No. 3, (Autumn): 355-76.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий веб-сайти – www.edu.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий веб-сайти – www.stat.uz
10. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик портали – www.lex.uz
11. Юнеско расмий веб-сайти – www.uis.unesco.org
12. Жаҳон банки расмий веб-сайти – www.databank.worldbank.org